



Vebsayt: <https://involta.uz/>

## ЯПОНИЯНИНГ БУГУНГИ ТАШҚИ СИЁСАТИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

**Каршиев Сирожиддин Элмуродович**

Самарқанд давлат университети тарих факултети II-босқич магистранти

**Анотатсия:** ушбу мақолада Япониянинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё давлатларининг тутган ўрни ва уларнинг ўзаро савдо-маданий алоқалари келтириб ўтилган

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, Япония, АҚШ, ташқи ишлар, бош вазир, савдо, ташқи сиёсат

АҚШнинг “Жанубий ва Марказий Осиё” бўйича Давлат котибининг ўринбосари Э.Фейгенбаумнинг куйидаги сўзлари билан мақолани бошлаш ўринли бўларди. “Биз шундай бир даврда яшайпмизки, Марказий Осиё барчани бирдек қизиқтиради. Айниқса Япониянинг минтақага қизиқишлари тўлиқ ҳолатда бўлиб, бу стратегик, сиёсий, савдо, молиявий ва гуманитар соҳаларни бирдек қамраб олади”.<sup>1</sup>

XIX асрда Япониянинг Хитойга қизиқиши ортиши ортидан япон

<sup>1</sup> Инициативы Японии в Центральной Азии [Электронный ресурс] // Время Востока: [сайт]. URL: <http://www.easttime.ru/analytic/1/9/248.html> (дата обращения 9.09.2012).

хукумати Марказий Осиё минтақасига ҳам қизиқиш билдира бошлаган. Япониянинг минтақа мамлакатлари билан алоқаларини бир неча даврга бўлиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи даврда Япония минтақа мамлакатларидаги мавжуд муаммолар сабаб ўзининг етакчилик ролини оширишга ҳаракат қилган. Шу билан бирга минтақада тинчликни сақлаш, давлатларнинг мустақиллигини тан олишга ҳаракат қилади. Бу даврда япон фирма ва компаниялари Марказий Осиё мамлакатларига жуда эҳтиёткорлик билан кириб кела бошлайди. Сабаби минтақада кўплаб сиёсий ва иқтисодий муаммолар етарли даражада эди. Бундай шароитда капитал киритиш хавфли деб ҳисобланган.

Япония минтақа мамлакатлари билан муносабатларини икки томонлама стандарт асосида йўлга қўйишга ҳаракат қилди. Шундан кейин Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида Япония билан муносабатларни йўлга қўяди ва ва Токио ҳам ўзининг минтақа мамлакатлари билан муносабатларини ўзгартиради.

Энди япон ҳукумати Марказий Осиё мамлакатларига тараққиётни таъминлаш учун расмий ёрдам бера бошлайди, албатта бу ёрдамлар Япониянинг ривожланаётган давлатларга ажратилган ёрдамлари билан бирга амалга оширилган.

Дастлаб, Япония ҳукумати ҳар бир минтақа давлатига 100 млн АҚШ доллари миқдорида ёрдам ажаритишни режалаштирган эди. Аммо кейинчалик Қозоғистонда бошланган ислохотлар ва бошқа сабабларга кўра ёрдам миқдори 300 млн. долларгача оширилади. Натижада 1998 йилда Марказий Осиёнинг бешта давлати Япониядан 1,5 млрд АҚШ доллари миқдорида ёрдам олишга эришганди.

Ҳар йили Марказий Осиё мамлакатлари Япониянинг техник ёрдам дастурини амалга оширувчи орқали техник ёрдам олиб туради. Шу орқали Япония ўзининг “ривожланган давлатлар – ривожланаётган давлатларга” ҳамкорлик схемасини амалга оширади.

Иккинчи даврда Япония Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини олиб бориш билан Япония минтақа мамлакатларига нисбатан алоқаларни кўп томонлама амалга ошириш билан бирга уларга ўзининг экспорт миқдорини ҳам доимий равишда ошириб борди. Айна шу алоқалар давомида 1995 йилнинг баҳорида Япония Қозоғистон ва Туркманистонга нисбатан имтиёзли тартиб жорий қилди. Япониянинг бу каби ҳаракатлари албатта минтақа мамлакатларининг улкан табиий захираларга бойлиги билан изоҳланади. Сабаби қазиб олинган фойдали қазилмаларни Японияга етказиш ва юқори технологиялар орқали уларни чуқур қайта ишлаш асосий мақсад эди.

Учинчи даврда Япония ўзининг Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан сиёсатини янада фаоллаштирди. 1997 йил Бош вазир Рютаро Хасимото (1996-1998) «Буюк ипак йўли дипломатияси» концепциясини эълон қилади. Бу концепция Япониянинг Марказий Осиё давлатлари билан сиёсий диалогини янада фаоллаштириш билан бирга минтақанинг хавфсизлигини таъминлашга ҳасм қаратилган эди. Япониянинг Марказий Осиё давлатларига нисбатан янги ташқи сиёсий докторинаси орқали Токио учта асосий муносабатлар йўналишини белгилаб олди. Сиёсий диалог – бу алоқаларни ўзаро ишонч руҳида давом эттиришни; иқтисодий ҳамкорлик – асосан фойдали қазилмаларни қазिश соҳасидаги ҳамкорликни назарда тутди ва ниҳоят демократик тартибларни мустаҳкамлаш соҳасидаги алоқалар алоҳида эътибор талаб қиладиган жиҳатлар сифатида кўрилади.

2004 йил Япония Ташқи ишлар вазири Ёрико Кавагути (2002-2004) нинг Марказий Осиё мамлакатларига амалга оширилган ташрифи Япониянинг минтақа мамлакатларига қизиқишини ошишида янги туртки бўлди. Ўзининг чиқишида “ҳамма жуда яхши биладик, Марказий Осиё ва Японияни минг йиллар боғлаб туради..... бу ҳудудлар аслида Шарқ ва Ғарбнинг ҳақиқий чегараси бўлиб, шаҳар ва кўчманчи цивилизациялар айнан шу ерда бирга

шаклланган”.<sup>2</sup>

“Дунёдаги геосийёсий ва иқтисодий ўзгаришлар Марказий Осиё мамлакатларининг ўрнини янада ошириши табиий ва бу Япониянинг минтақа давлатлари билан алоқаларини янада яхшилашга хизмат қилади”<sup>3</sup> деб таъкидлаб ўтади Япониянинг Ташқи ишлар вазири.

2006 йилда Япония Бош вазири Дзюинтиро Коидзуми (2001-2006) Қозоғистон ва Ўзбекистонга расмий ташриф билан келади. Россиялик тадқиқотчи С. Лузянин бу ташрифга қуйидагича баҳо бериб қуйидаги фикрларни билдириб ўтган: “Биринчи мақсад Япония энергия манбаларини импорт қилиши имкониятини оширмоқчи. Иккинчи мақсад – Токионинг минтақа давлатлари билан янада яқинлаштириш. Учинчи мақсад – Япония Қозоғистонга ва асосан Ўзбекистонга Россия ва Хитойниқидан фарқ қилувчи тараққиёт дастурини таклиф қилиш”.<sup>4</sup>

Марказий Осиё ва Кавказ Институти директори К. Фредерик Старр “Бирор бир мамлакат Марказий Осиё мамлакатларига Япония каби гуманитар ёрдам ажратмаган”<sup>5</sup> деб алоҳида таъкидлаб ўтган.

Япония Марказий Осиё давлатлари орасида Қозоғистонга алоҳида эътибор қаратади. Сабаби, Қозоғистон турли манбаларда кўрсатилишича дунёдаги уран захираларининг 30 фоизига эгалик қилади. Ураннынг нархи эса жаҳон бозорида доимий равишда ортиб бораётганлиги Япониянинг мақсадларини янада аниқроқ тушуниш имконини беради. Япония Қозоғистон билан бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишдан

<sup>2</sup> Новое измерение: Центральная Азия + Япония [Электронный ресурс] // Новости Узбекистана: [сайт газеты]. URL : [http://www.novostiuzbekistana.st.uz/35\\_213/jaup.htm](http://www.novostiuzbekistana.st.uz/35_213/jaup.htm) (дата обращения 8.09.2012).

<sup>3</sup> К прогрессу по Шелковому пути: интервью Йорико Кавагучи [Электронный ресурс] // Казахстанская правда: [сайт газеты]. URL: [http://www.kazpravda.kz/rus/politika/joriko\\_kavaguchi\\_k\\_progressu\\_po\\_shelkovomu\\_puti.html](http://www.kazpravda.kz/rus/politika/joriko_kavaguchi_k_progressu_po_shelkovomu_puti.html) (дата обращения 14.09.2012).

<sup>4</sup> Миллер Дж. Японии и России стоит присмотреться друг к другу [Электронный ресурс] // InoPressa: [сайт]. URL: <http://www.inopressa.ru/article/27Sep2012/forbes/japan.html> (дата обращения 14.09.2012).

<sup>5</sup> Инициативы Японии в Центральной Азии [Электронный ресурс] // Время Востока: [сайт]. URL: <http://www.easttime.ru/analytic/1/9/248.html> (дата обращения 9.09.2012).

манфаатдор эканлигини маълум қилади.

Қозғоғистонга Япониянинг дунёга машхур «Мицубиси», «Иточу», «Мицуи» каби 15 дан ортиқ компаниялари сармоялари билан кириб келади. Япониянинг минтақа давлатларидаги иқтисодий манфаатлари кўп жиҳатдан минтақанинг хавфсизлик масаласи билан боғлиқ. Сабаби Марказий Осиё мамлакатлари Евроосиёнинг энг марказида жойлашганлиги ва бу ҳудудда кудратли давлатларнинг манфаатлари тўқнашади. “Энергия манбаларига бўлган талабнинг ортиб бориши эса Марказий Осиё давлатларининг мавқеини янада ошириши мумкин”<sup>6</sup> дейди Япония Ташқи ишлар вазири Ё. Кавагути.

НАТО кучларининг Афғонистонда антитеррор операцияларини бошлаб юбориши минтақа давлатлари хавфсизлигини жиддий хатар қаршида қолдиради. Бошқа томондан эса минтақа давлатларининг геосиё ўрни янада ортади. Сабаби Россия ва Хитой минтақада Ғарб давлатларининг таъсири ортиб кетишини олдини олиш учун Марказий Осиё давлатларига ёрдам миқдорини янада орттиришга ҳаракат қила бошлади.

Япония ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини учта муҳим принцип асосида ривожланиб борганлигини кўриш мумкин: 1998 йилдаги - “Буюк ипак йўли дипломатияси” дастури асосида демократик тартибларни, иқтисодий ислохотларни қўллаб – қувватлаш ва фойдали қазилмалардан фойдаланиш; 2004 йилдаги – “Марказий Осиё плюс Япония” – ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш; 2006 йилдаги – “Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик йўлагини трансформация қилиш”.

Айнан мана шу ва бошқа дастурлар линиялари орқали Япониянинг минтақа давлатларига ажратган гуманитар ва бошқа ёрдамлари миқдори 2 млрд АҚШ долларидан ортиб кетганлигини кўриш мумкин. 2011 йил 11 мартда Фукусима АЭСида юз берган авариядан кейин Япония ўзининг

<sup>6</sup> К прогрессу по Шелковому пути: интервью Йорико Кавагучи [Электронный ресурс] // Казахстанская правда: [сайт газеты]. URL: [http://www.kazpravda.kz/rus/politika/joriko\\_kavaguchi\\_k\\_progressu\\_po\\_shelkovomu\\_puti.html](http://www.kazpravda.kz/rus/politika/joriko_kavaguchi_k_progressu_po_shelkovomu_puti.html) (дата обращения 14.09.2012).

АЭСларни куриш дастурини қайта кўриб чиқиши унинг келажакдаги геосиёсий мақсадларини ҳам ўзгартириб юбориши мумкин. Жумладан, 2030 йилга қадар Япония атом энергиясидан босқичма – босқич воз кечишга қарор қилиши Япониянинг Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий алоқалари масаласини қайта кўриб чиқишини ҳам кун тартибига қўяди.

Японияни ўрганиш бўйича Стерлинг университети марказ директори Жан-Пьер Марказий Осиёнинг ёш мустақил давлатлари учун Япониянинг тажрибасидан фойдаланиш борасида борасида қуйидагича фикрлар билдириб: “Япониянинг тараққиёт йўлини айнан модел сифатида кўчириб олиб қабул қилиш керак эмас. Ундан худди кўзгу каби фойдаланиш керак ва шу орқали ҳар бир давлат ўзининг кучли ва заиф томонларини кўриб олади”.<sup>7</sup>

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, “Япония – бу Европа ва Америка цивилизацияларини ўзида мужассам қилган ягона давлат бўлиб, бошқа давлатлар учун ҳар қандай соҳада намуна бўлиши мумкин...”.<sup>8</sup>

Япониянинг ютуқлари албатта Марказий Осиё давлатлари учун ҳам намуна бўлиши мумкин, аммо юқорида таъкидлаб ўтилганидек, японларнинг ютуқларини айнан такрорлаб бўлмайди. Сабаби ҳар бир халқнинг ўзига хос томонлари ва шунингдек, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос томонлари бор бу эсаҳар бир мамлакат ва халқнинг ўзининг имкониятлари ва ҳолатидан келиб чиқиб мустақил тараққиёт йўлини танлаб олиши зурур.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Инициативы Японии в Центральной Азии [Электронный ресурс] // Время Востока: [сайт]. URL: <http://www.easttime.ru/analytic/1/9/248.html> (дата обращения 9.09.2012).

2. К прогрессу по Шелковому пути: интервью Йорико Кавагучи [Электронный ресурс] // Казахстанская правда: [сайт газеты]. URL:

<sup>7</sup> Пронников В.А., Ладанов И.Д. Японцы. М., 1996. С.299.

<sup>8</sup> Прасол Ф. Япония. Лики времени. М., 2009. С. 11.

[http://www.kazpravda.kz/rus/politika/joriko\\_kavaguchi\\_k\\_progressu\\_po\\_shelkovomu\\_puti.html](http://www.kazpravda.kz/rus/politika/joriko_kavaguchi_k_progressu_po_shelkovomu_puti.html) (дата обращения 14.09.2012).

3. Миллер Дж. Японии и России стоит присмотреться друг к другу [Электронный ресурс] // InoPressa: [сайт]. URL: <http://www.inopressa.ru/article/27Sep2012/forbes/japan.html> (дата обращения 14.09.2012).

4. Новое измерение: Центральная Азия + Япония [Электронный ресурс] // Новости Узбекистана: [сайт газеты]. URL: [http://www.novostiuzbekistana.st.uz/35\\_213/jaур.htm](http://www.novostiuzbekistana.st.uz/35_213/jaур.htm) (дата обращения 8.09.2012).

5. Прасол Ф. Япония. Лики времени. М., 2009.

6. Пронников В.А., Ладанов И.Д. Японцы. М., 1996.